

**Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш
ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестациядан (қайта
аттестациядан) ўтказиш бериладиган тест саволлари рўйхати
(I категориянинг 2-блоки)**

Қуйидаги инвестицияларнинг қайси бирида хавф йўқори бўлади?

- A. янги ташкил этилган компания томонидан чиқарилган облигациялар
- B. йирик нефт компаниялари томонидан чиқарилган акциялар
- C. янги ташкил этилган компания томонидан чиқарилган акциялар
- D. давлат облигациялари

**Корхона охириги тўрт чоракда ҳар бир акция учун 3,60 сўмдан дивиденд тўлаган.
Ҳозирги пайтда акция нархи 198,50ни ташкил этади. Дивиденд даромадлиги қандай?**

- A. 0,07%
- B. 1,81%
- C. 0,02%
- D. 7,25%

**Агар фойз ставкалари кўтарилса, 5% ли давлат облигацияларига қандай таъсир
қилади?**

- A. Нарх ўсади
- B. Купон ошади
- C. Нарх тушади
- D. Купон камаяди

**Корхона халқаро алоқаларни кенгайтириш, имижини яхшилаш ва
акцияларининг ликвидлигини ошириш мақсадида маблағ тўпламоқчи?**

- A. Халқаро маркетинг корхоналарига инвестиция киритиш
- B. IPO ўтказиш
- C. Халқаро облигациялар чиқариш
- D. Халқаро битимлар сонини ошириш

**Қуйидаги вариантлардан қайси бири акциядорлар /инвесторларга ўз
инвестицияларини акцияларга амалга ошириш имконини беради?**

- A. Фонд биржаси
- B. акцияларни сўндириш
- C. Давлат имтиёзлари
- D. IPO

Қуйидаги жавоблардан қайси бирида IPO нинг тўлиқ мазмуни берилган?

- A. ўзининг биринчи фойдасига эга бўлган корхона
- B. акция облигациялар сотиш йўли билан капитал жалб қиладиган корхона
- C. Йилдан йилга ўсиб борадиган даромад даражасини таъминловчи корхона
- D. акцияларини кенг доирадаги шахсларга бирламчи сотиш йўли билан пул
маблағлар жалб қиладиган корхона

Компания солиқлар, облигациялар бўйича фоизлар ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаганидан кейин қоладиган оддий акцияга тўғри келадиган даромад миқдорини акс эттирувчи кўрсаткич?

- A. дивидендлар даромади
- B. акцияга тўғри келадиган фойда
- C. акция баҳосининг акция даромадига нисбати
- D. дивидендларни тўлаш нисбати

Қимматли қоғозларни чиқаришда эмитент томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик хавфи ёки дефолт хавфи қуйидагилардан иборат?

- A. кредит риси
- B. ликвидлик хавфи
- C. қайта инвестиция қилиш хавфи
- D. фоиз ставкаси риси

Портфелни фаол бошқариш қуйидагиларни ўз ичига олади?

- A. қимматли қоғозлар таркибининг тез ўзгариши
- B. узоқ муддатли истиқболда ҳисобланган, олдиндан белгиланган риск даражасига эга, яхши диверсификацияланган портфел яратиш
- C. молиявий йўқотишлар хавфини камайтириш мақсадида фақат ҳосилавий қимматли қоғозлардан портфелни шакллантириш
- D. портфелга киритилган қимматли қоғозларнинг узоқ муддатли барқарорлиги ва ноқулай бозор шароитларидан мажбурий суғурталаниши

Манфаатлар тўқнашуви нима?

- A. Давлат хизматчиси фаолият юритаётган соҳада, иштирок этаётган шахсларнинг манфаатлари ўзаро мос келмаслиги ҳолати
- B. Раҳбар тарғиб қилаётган сиёсат, корхона ва ташкилот манфаатларининг айрим ходимлар манфаатига мос келмаслиги
- C. Ҳамма жавоблар тўғри
- D. Шахсий манфаатларнинг хизмат вазифаларини ҳолисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатиши

Бошқа жамиятларнинг назорат пакетларига эгалик қилувчи ва уларга нисбатан назорат функцияларини бажарадиган акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахс?

- A. Концерн
- B. Синдикат
- C. Холдинг
- D. Картел

Номинал қиймати 1000 сўм бўлган акциялар пакети номинал қийматининг 250 фоизи миқдоридан сотиб олинди. Пакет йилига 50% дивиденд тўлайди. Акциянинг жорий рентабеллигини аниқланг (акция бўйича олинган даромаднинг сотиб олиш нархига нисбати)?

- A. 19%
- B. 20%
- C. 21%

D. 18%

Акциядорлик жамиятининг устав капитали 10 миллион сўм миқдорида. тенг номинал қийматдаги 900 та оддий ва 100 та имтиёзли акцияларга бўлинган. Тақсимланиши керак бўлган фойданинг тахминий миқдори 2 млн. сўм. Имтиёзли акциялар бўйича белгиланган дивиденд ставкаси 20% ни ташкил қилади. Оддий акция эгаси қандай дивиденд олишни кутиши мумкинлигини аниқланг?

- A. 1300
- B. 2100
- C. 1600
- D. 2000

Номинал қиймати 1500 сўм бўлган акциялар пакети номинал қийматининг 240% миқдорида харид қилинди. Пакет йилига 47% дивиденд тўлайди. Акциянинг жорий рентабеллигини аниқланг (акция бўйича олинган даромаднинг сотиб олиш нархига нисбати)?

- A. 19,6%
- B. 14,6%
- C. 21,6%
- D. 18,6%

Акциядорлик жамиятининг устав капитали 12 млн сўмга тенг номинал қийматдаги 897 та оддий ва 103 та имтиёзли акцияларга бўлинган. Тақсимлаш учун олинган фойданинг тахминий миқдори 2,1 миллион сўмни ташкил этади. Имтиёзли акциялар бўйича белгиланган дивиденд ставкаси 21% ни ташкил қилади. Оддий акция эгаси қандай дивиденд олишни кутиши мумкинлигини аниқланг?

- A. 1451,8
- B. 2151,8
- C. 2051,8
- D. 1851,8

Қимматли қоғозларни дисконт нархи баҳоси деганда...?

- A. Номинал баҳосидан паст нархда сотиб олиш тушунилади
- B. Бозор баҳосидан сотиб олишни тушунилади
- C. Номинал баҳосидан юқори нархда сотиб олиш тушунилади
- D. Номинал баҳосида сотиб олишни тушунилади

Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорида қуйидаги муассасалардан қайси бири инвестор бўлиб ҳисобланади?

- A. Тижорат банклари
- B. Депозиторий
- C. Клиринг ҳисоб-қитоб палатаси
- D. Бошқарувчи компаниялар

Қимматли қоғозлар бозори масштаби бўйича қандай турларга ажратилади?

- A. маҳаллий ва халқаро бозорларига
- B. Фонд ва фонд биржаси бўлмаган бозорларига
- C. стихияли ва дилерлар бозорларига

D. бирламчи ва иккиламчи бозорларига

Биржа котировка варағига киритилмаган эмитент Корпоратив маълумотлар ягона порталида (www.openinfo.uz) жойлаштириш йўли орқали _____ ошкор қилади?

1. Йиллик ҳисоботини 2. Эмитентнинг биринчи чорак, биринчи ярим йил ва тўққиз ой яқунларига доир ҳисоботини 3. Эмитентнинг фаолиятидаги муҳим фактлар 4. Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни

- A. 1, 2 ва 3 жавоблар тўғри
- B. 1, 2, 3 ва 4 жавоблар тўғри
- C. 1 ва 2 жавоблар тўғри
- D. 3 ва 4 жавоблар тўғри

Қуйида санаб ўтилган қайси ҳолларда Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига махфий ахборот ошкор қилинади?

A. у қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларини кўриб чиқаётганда ва Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти (IOSCO) аъзолари бўлган бошқа давлатларнинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органларига уларнинг ёзма сўровига кўра ахборот берганда

B. нотуриус сўровига асосан агентлик томонидан мерос ишлари юзасидан нотариал идораларга маълумот берилганда

C. жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд бўлганда

- D. тўғри жавоб йўқ

Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши қайси ҳолларда амалга ошмаган деб эътироф этилади?

1. Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг олтмиш фоиздан кам қисми уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда 2. Мазкур чиқарилишни тўхтатиб туришга олиб келган қоидабузарликлар жамият томонидан баргараф этилмаган тақдирда белгиланган муддатда хусусий жойлаштирилган тақдирда 3. Агар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг 30 фоиздан кам қисмини ташкил этса 4. Агар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида 50 фоиз қисмини ташкил этса

- A. 2, 3, 4 жавоблар тўғри
- B. 1, 2, 3 жавоблар тўғри
- C. 1, 2, 4 жавоблар тўғри
- D. 1 ва 2 жавоблар тўғри

Андеррайтер томонидан инвесторларга тақдим этиладиган инвестиция меморандуми қуйидагилардан қайси бирини ўз ичига олиши лозим?

1. Битим тафсилотларини 2. Рақобат муҳити ва бозордаги улушининг таҳлилини 3. Эмитент ва умуман тармоқ фаолиятининг тавсифини 4. Таъсис ҳужжатларига мувофиқ эмитент томонидан қўйилган мақсадларга эришиш бўйича тактик қадамларни 5.

Эмитентнинг молиявий камомадини (профицит) вақтинчалик оралиқ муддатда аниқлашни

6. Қимматли қоғозларни жойлаштириш нархи тўғрисидаги ахборотни

- A. 1, 3, 4, 5
- B. 1, 2, 3, 6
- C. 2, 3, 4, 5
- D. 3, 4, 5, 6

Эмитент томонидан унга хизматлар такдим этиш ҳуқуқи учун андеррайтерни танлаш _____ амалга оширилиши мумкин?

A. инвестиция воситачилар ва тижорат банклари — потенциал номзодлар билан андеррайтинг бўйича хизматлар кўрсатиш учун дастлабки музокаралар асосида, ёхуд андеррайтинг бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун оммавий (ёхуд ёпик) танлов (тендер) ўтказиш йўли билан

B. эмитентнинг ўзи томонидан мустқил тарзда

C. оммвий ёки ёпик танлов (тендер) ўтказиш йўли билан

D. инвестиция воситачилар ва тижорат банклари — потенциал номзодлар билан андеррайтинг бўйича хизматлар кўрсатиш учун дастлабки музокаралар йўли билан

Ишончли бошқарувчининг ишончли бошқарувида бўлган инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини ҳисоблаш формуласини кўрсатинг?

Агар, CA – ўртача йиллик, $A1$ – ҳисобот чорагидаги инвестиция активларининг баҳоланган қиймати, $A2$ – ўтган чоракдаги инвестиция активларининг баҳоланган қиймати, $A3$ – аввалги икки чоракдаги инвестиция активларининг баҳоланган қиймати, $A4$ – аввалги уч чоракдаги инвестиция активларининг баҳоланган қиймати...

A. $CA = \text{квадрат илдиз} (A1 \text{ квадрати} + A2 \text{ квадрати} + A3 \text{ квадрати} + A4 \text{ квадрати})$

B. $CA = (A1 + A2 + A3 + A4)/4$

C. $CA = (A1 + A2 + A3 + A4)/12$

D. $CA = \text{квадрат илдиз} (A1A2A3A4)$

Қуйидагилардан тўғрисида кўрсатинг?

1. Филиал жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир. 2. Ваколатхона жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир. 3. Филиал ва ваколатхона юридик шахс ҳисобланади. 4. Филиал ва ваколатхонага бериб қўйилган жамият мол-мулки филиал ва ваколатхона балансида ҳисобга олинади. 5. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган жамият зиммасида бўлади.

A. 1, 2, 5 жавоблар тўғри

B. 1, 2, 3, 4 жавоблар тўғри

C. 1, 2, 4, 5 жавоблар тўғри

D. 1, 2, 3, 5 жавоблар тўғри

Акциядорлик жамияти уставида қуйида санаб ўтилган маълумотлардан қайсилари бўлиши шарт?

1. Тўлиқ фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили 2. Жамият бошқарувининг тузилмаси 3. Устав капиталининг миқдори 4. Жамият жойлаштирилган

акцияларга қўшимча жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони ва номинал қиймати 5. Жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) битта акциядорга тегишли бўлган улушнинг энг кўп миқдорига чекловлар 6. Фаолиятининг соҳаси ва мақсади 7. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи

- A. 1, 2, 3, 4, 6 жавоблар тўғри
- B. 1, 2, 3, 4, 5, 6 жавоблар тўғри
- C. 1, 2, 3, 6 жавоблар тўғри
- D. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 жавоблар тўғри

Жамият соф фойдасидан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантириладиган акциядорлик жамияти захира фонди қандай мақсадлар учун мўлжалланган (тўлиқ рўйхатни кўрсатинг)?

A. бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўринини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш

B. бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўринини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун

C. бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун

D. бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўринини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун

Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши қайси ҳолларда амалга ошмаган деб эътироф этилади?

1. Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг олтмиш фоизидан кам қисми уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда 2. Мазкур чиқарилишни тўхтатиб 2. Мазкур чиқарилишни тўхтатиб туришга олиб келган қоидабузарликлар жамият томонидан бартараф этилмаган тақдирда 3. Агар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг 30 фоиздан кам қисмини ташкил этса 4. Агар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида 50 фоиз қисмини ташкил этса

- A. 1 ва 2 жавоблар тўғри
- B. 2, 3, 4 жавоблар тўғри
- C. 1, 2, 3 жавоблар тўғри
- D. 1, 2, 4 жавоблар тўғри

Акциядорлик жамияти 1:5 нисбатда акцияларни майдалашни амалга оширди. Майдалангунга қадар битта акциянинг номинал қиймати 950 сўм бўлган 2 000та акция пакети эгаси бўлган акциядорнинг акциялар сони ва умумий номинал қиймати қанча?

- A. 400та акция ва 380 000 сўм
- B. 10 000та акция ва 1 900 000 сўм
- C. 400та акция ва 1 900 000 сўм
- D. 2 000та акция ва 380 000 сўм

Акциядорлик жамияти 1:4 нисбатда акцияларни майдалашни амалга оширди. Майдалангунга қадар битта акциянинг номинал қиймати 5000 сўм бўлган 100та акция пакети эгаси бўлган акциядорнинг акциялар сони ва умумий но Акциядорлик жамияти 1:4 нисбатда акцияларни майдалашни амалга оширди номинал қиймати қанча?

- A. 100та акция ва 125 000 сўм
- B. 25та акция ва 125 000 сўм
- C. 400та акция ва 500 000 сўм
- D. 25та акция ва 500 000 сўм

Акциядорлик жамияти 4:1 нисбатда акцияларни йириклаштиришни амалга оширди. Йириклаштирилгунга қадар битта акциянинг номинал қиймати 500 сўм бўлган 100та акция пакети эгаси бўлган акциядорнинг акциялар сони ва умумий номинал қиймати қанча?

- A. 25та акция ва 200 000 сўм
- B. 25та акция ва 50 000 сўм
- C. 100та акция ва 50 000 сўм
- D. 400та акция ва 200 000 сўм

Акциядорлик жамияти 5:1 нисбатда акцияларни йириклаштиришни амалга оширди. Йириклаштирилгунга қадар битта акциянинг номинал қиймати 1000 сўм бўлган 200 та акция пакети эгаси бўлган акциядорнинг акциялар сони ва умумий номинал қиймати қанча?

- A. 40та акция ва 200 000 сўм
- B. 1000та акция ва 1 000 000 сўм
- C. 1000та акция ва 200 000 сўм
- D. 40та акция ва 1 000 000 сўм

Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулкни тақсимлаш навбатини кўрсатинг?

1. қонунчиликка мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади 2. имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва АЖ уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади 3. тугатилаётган АЖнинг мол-мулкни оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади

- A. 3, 1, 2
- B. 2, 3, 1
- C. 2, 1, 3
- D. 1, 2, 3

Ўзбекистон депозитар тилхати (ЎДТ) эмиссияси босқичларни кўрсатинг?

1. ЎДТни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш 2. ЎДТ чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш 3. ЎДТни жойлаштириш 4. УДТни чиқариш натижалари тўғрисида билдиришнома тақдим этиш

- A. 1, 2, 3 жавоблар тўғри
- B. 2, 1, 4, 3 жавоблар тўғри
- C. 1, 2, 4 жавоблар тўғри
- D. 2, 3, 4 жавоблар тўғри

Марказий депозитарийнинг Ўзбекистон депозитар тилхати (ЎДТ)ни чиқариш тўғрисидаги қарориди қандай маълумотлар кўрсатилиши керак?

1. ЎДТни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган ва тасдиқланган сана
2. Норезидентнинг тақдим этиладиган қимматли қоғозларининг тури, тоифаси (типи)
3. Эмитент устав капиталининг 5 фоизидан ортиққа эгаллик қилувчи эмитентнинг акциядорлари тўғрисидаги маълумотлар 4. Уларга бўлган мулк ҳуқуқи ушбу чиқарилишдаги бир ЎДТ билан тасдиқланадиган норезидентнинг тақдим этиладиган қимматли қоғозлари сони 5. ЎДТни жойлаштириш шартлари 6. ЎДТни сақлаш, ҳисобга олиш ва унга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиши тартиби?

- A. 1, 2, 3, 4, 5, 6 жавоблар тўғри
- B. 1, 3, 4, 5 жавоблар тўғри
- C. 1, 2, 4, 5, 6 жавоблар тўғри
- D. 2, 3, 4, 6 жавоблар тўғри

Устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бевосита ёхуд ўзининг идоравий мансуб ташкилотлари орқали хизматлар кўрсатувчи ва/ёки товарларни сотувчи жамиятларнинг корпоратив веб-сайтларида назарда тутилган функцияларни кўрсатинг?

1. Товарлар, ишлар ва хизматларнинг турлари ва қиймати (тарифлар) тўғрисидаги тўлиқ ва муҳим маълумотларни қулай шаклда тақдим этиш 2. Аризалар, декларациялар, сўровномалар, бланкалар ва бошқа зарур ҳужжатларнинг электрон шакллари тўлдириш 3. Тўловларга шу жумладан мобиль қурилмалар ёрдамида онлайн ҳақ тўлаш 4. Хизматлар кўрсатиш юзасидан сўровномани расмийлаштиришда (шаклларни тўлдиришда) ҳужжатларнинг электрон версияларини илова қилиш

- A. 1, 2, 3, 4 жавоблар тўғри
- B. 2, 3, 4 жавоблар тўғри
- C. 1, 3, 4 жавоблар тўғри
- D. 1, 2, 3, 4 жавоблар тўғри

Бундай вазиятда нима қилган бўлардингиз? Сиз 3 йилдан бери битта корхонада фаолият олиб бормоқдасиз ва мартаба зинапоясини муваффақиятли қўтаролмайсиз. Бироқ, сўнгги пайтларда сиз бу эрда ўз салоҳиятингизнинг энг юқори чўққисига чиққанингизни ҳис қилиясиз ва бошқа компанияларда янада ўсиш имкониятларини излашга қарор қилдингиз. Аини пайтда сиз янги иш берувчи билан фаол музокаралар олиб бормоқдасиз. Кетаётганингиз ҳақидаги миш-мишлар тезда эски иш жойингизга тарқалди?

A. Ташкилотингизда миш-мишлар узоқ вақтдан бери айланиб юрганлиги сабабли, сиз уларни тасдиқлайсиз ва барча ҳамкасбларингизга бошқа иш берувчи билан

музокаралар олиб бораётганингиз ҳақида хабар берасиз. Эҳтимол, бундан кейин сизнинг раҳбариятингиз сизга кўтарилиш таклиф қилади.

В. Сизнинг кетишингиз ҳақидаги миш-мишлар аллақачон этарли
С. ча тарқалиб кетган, шунинг учун сиз ўзингизнинг асосий ишингизга камроқ куч ва эътибор қаратасиз ва янги лавозим билан боғлиқ масалаларга эътиборингизни қаратасиз.

Д. Булар шунчаки миш-мишлар. Сиз ҳали ҳеч нарсага қарор қилмагансиз ва истеъфога чиқиш хатини ёзмагунингизча ўз танловингизни билдирмайсиз.

Е. Миш-мишлар аллақачон тарқалиб кетганлиги сабабли, сиз кетиш ҳақидаги қарорингизни фақат менежерингизга билдирасиз. Сиз ҳали ҳам компания ходими бўлганингиз учун сиз одатдагидек ишлашда давом этасиз.

Мутлоқ ликвидлик коэффициенти кўрсатади?

А. ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг қайси қисмини яқин келажақда тўлаш мумкинлиги

В. ташкилот барча мажбуриятларнинг қайси қисмини яқин келажақда тўлаши мумкин

С. ташкилотнинг узоқ муддатли мажбуриятларининг қанча қисмини яқин келажақда тўлаш мумкинлиги

Д. тўғри жавоблар йўқ

Жорий ликвидлик коэффициенти кўрсатилган?

А. ташкилот узоқ муддатли мажбуриятларнинг қайси қисмини мутлақо ликвид ва тез сотиладиган активларни сафарбар қилиш орқали тўлаши мумкин

В. айланма маблағларни жалб қилиш орқали ташкилот ўз капиталининг қайси қисмини қоплаши мумкин

С. барча айланма маблағларни сафарбар қилиш орқали ташкилот қисқа муддатли мажбуриятларнинг қайси қисмини тўлаши мумкинлиги

Д. тўғри жавоблар йўқ

Ижрочиларга ўз иродасини юклаш учун этарли кучга эга бўлган раҳбар?

А. авторитар раҳбар

В. демократик йетакчи

С. либерал лидер

Д. маслаҳатчи раҳбар

Ходимларни бошқариш тизимининг вазифаси нима эмас?

А. кадрларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш

В. раҳбар ва бўйсунувчилар ўртасидаги гуруҳ ва шахсий муносабатларни таҳлил қилиш ва тартибга солиш

С. юқорида айтилганларнинг барчаси ходимларни бошқариш тизимининг вазифаларига киритилган

Д. ходимларнинг ижтимоий-психологик диагностикаси

Ходимларни бошқариш – бу?

А. кадрлардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган режалаштириш, танлаш, тайёрлаш, баҳолаш ва узлуксиз тарбиялаш жараёни

- B. умумий мақсадга эришиш учун ходимларни бошқариш.
- C. Корхонанинг ишчи кучини бошқариш жараёни
- D. Ишчиларни ишга олиш ва улардан оқилона фойдаланиш босқичлари кетма-кетлиги.

Ёпиқ ва очик кадрлар сиёсати ўртасидаги фарқлар қуйидаги ҳолларда мавжуд?

- A. ходимларни ёллаш, мослаштириш, ўқитиш, кўтариш, рағбатлантириш ва рағбатлантириш
- B. Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва тўлаш тизимини танлаш
- C. меҳнат интизомини бузганлик учун жарималар ва индивидуал ишчиларга нисбатан шикоятлар
- D. ходимларни бўшатиш

Ташкилотни шакллантириш босқичида кадрлар билан ишлаш тизими ва тамойилларини ишлаб чиқишда қуйидагилар амалга оширилмайди?

- A. Ташкилотнинг кадрлар хизмати тузилмасини шакллантириш.
- B. Ходимлар ҳақидаги маълумотларни қидириш ва сақлаш тизимини ишлаб чиқиш.
- C. Ташкилотнинг кадрлар сиёсатини танлаш ва шакллантириш
- D. Анъанавий шароитларда ишлашга эътибор қаратиш ва ташкилотни янада ривожлантириш ўртасидаги танлов

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахсларнинг акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тарзидаги даромадларига фойда солиғи..... ташкил қилади?

- A. 12
- B. 15
- C. Озод қилинади
- D. 5

Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича ҳисобланган фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи қай таризда солинади?

- A. 12
- B. 15
- C. Озод қилинади
- D. 5

Фонд биржаси фаолияти ва қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси фаолиятини кимлар бошлай оладилар?

- A. МЧЖ ҳисобланадиган юридик шахслар
- B. АЖ ҳисобланадиган юридик шахслар
- C. АЖ ва МЧЖ юридик шахслар
- D. барча жавобоар тўғри

Халқаро облигация бу?

А. сотиладиган эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у эмитент томонидан чиқарилади ва молиявий ташкилотларнинг гуруҳи томонидан жойлаштирилади, эмитентнинг мамлакатидан ташқари бир ёки ундан кўпроқ давлатда таклиф этилади, бирламчи равишда (шу жумладан обуна бўйича) фақат ушбу гуруҳ орқали сотиб олинади

В. қимматли қоғозларга доир ҳуқуқларни ҳисобга олишнинг ва (ёки) қимматли қоғозлар ҳисоб-китобларининг халқаро марказлашган тизими бўлган ёхуд чет эл биржаларидаги ёки бошқа тартибга солинадиган бозорлардаги савдолар натижаларига кўра қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширувчи марказий депозитарий бўлган, қимматли қоғозлар эгасининг ёки у вакил қилган шахснинг топшириғига кўра, қимматли қоғозларнинг эгаси бўлмаган ҳолда, қимматли қоғозларни ҳисобга олишни ва уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни амалга оширадиган чет эл ташкилоти

С. миссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини унда назарда тутилган муддатда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди

Д. эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкӣ эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкӣ ҳуқуқларини тасдиқлайди

эмиссиявий қимматли қоғозлар бу?

А. битта чиқарилиш доирасида хар хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар

В. битта чиқарилиш доирасида бир хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар

С. миссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини унда назарда тутилган муддатда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди

Д. тўғри жавоб йўқ

қимматли қоғозларга доир битимлар бу?

А. қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси, ҳадяси, мероси, устав фондига киритилиши ва қимматли қоғозлар эгасининг алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар, шунингдек қимматли қоғозлар гарови

В. қимматли қоғоз бўлиб, у ўзида назарда тутилган муддатда қимматли қоғозларнинг муайян сонини қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқлайди

С. қимматли қоғозларни уларнинг дастлабки эгаларига бериш ва олди-сотдиси

Д. баржа жавоб йўқ

Акциялар, корпоратив ва инфратузилма облигациялари, шунингдек депозитар тилхатлар қандан шаклда чиқарилади?

А. ҳужжат билан

В. тўғри жавоб йўқ

С. шартли

Д. ҳужжатсиз

Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қонунчиликка ва эмитентнинг уставига мувофиқ эмитент ким томонидан тасдиқланади?

- A. бошқарув органи
- B. Директор
- C. Кузатув кенгаши
- D. акциядорлар умумий йиғилиши

Корпоратив облигациялар қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда чиқарилади?

- A. облигациялар чиқарилишидан олдинги икки йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси мавжуд бўлганда
- B. инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида
- C. сўнгги икки йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлиликнинг ижобий кўрсаткичларига эга бўлган эмитентлар томонидан
- D. Давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек давлат корхоналари томонидан инфратузилма облигациялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқарилади

Инфратузилма облигациялари қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда..... чиқарилади?

- A. облигациялар чиқарилишидан олдинги икки йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси мавжуд бўлганда
- B. сўнгги икки йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлиликнинг ижобий кўрсаткичларига эга бўлган эмитентлар томонидан
- C. Давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек давлат корхоналари томонидан инфратузилма облигациялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқарилади
- D. Корпоратив ва инфратузилма облигацияларини чиқаришнинг қўшимча шартлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланади

Биржа облигацияларининг эмиссияси, жойлаштирилиши ва муомаласи тўғри кўрсатилган жавобни танланг?

- A. Биржа облигацияларининг эмиссияси давлат рўйхатидан ўтказилиб ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда фонд биржаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.
- B. Биржа облигацияларини жойлаштириш фақат биржа облигацияларининг чиқарилишини рўйхатга олган Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” орқали амалга оширилади.
- C. тўғри жавоб йўқ
- D. Тўлаш муддати бир йилдан кўп бўлмаган биржа облигацияларини жойлаштириш ва уларнинг муомаласи фонд биржаларида амалга оширилади

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим

этилган хужжатлар олинган санадан эътиборан қанча маддат ичида давлат рўйхатидан ўтказиши керак

- A. йигирма кун
- B. ўн беш кун
- C. ўн кун
- D. ўттиз кун

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш ҳамда бериш лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда ваколатли орган томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан неча иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади?

- A. уч
- B. ўн
- C. беш
- D. йигирма

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжат қайта расмийлаштирилади танда талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун тўланадиган сумманинг қанча фоиз миқдоридан йиғим ундирилади?

- A. юз
- B. эллик
- C. ундирилмайди
- D. тўғри жавоб йўқ

Қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни лицензия олиш учун аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган давлат божи миқдори?

- A. базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараварида
- B. тўғри жавоб йўқ
- C. базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараварида
- D. базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараварида

Сукукнинг облигация билан ўхшаш жиҳатларини тўғри баён этилган вариантни аниқланг?

- A. Инвестор фойдаси корхона фаолиятидан олинган соф фойдага боғлиқ
- B. Инвестор фойдаси корхона фаолиятидан олинган соф фойдага боғлиқ
- C. Лойиҳани молиялаштиришда кредитлашнинг муқобил воситаси
- D. Номинал қийматнинг қайтиши кафолатланмаган